



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 6 май чоршанба
Сотувда эркин нархда № 91 (1872)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан ва уруш иштирокчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва иштирокчиларига 1500 сўм (иккита энг кам иш ҳақи) миқдорда бир мартали пул мукофоти белгилансин.
2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблаг республика бюджетидан ажратилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мазкур пул мукофоти тулалини ташминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 5 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бахтиёр Шамсуддинов Миробоев Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари этиб;
- Илдош Очиллов Жўраев Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Орал Эрназаров берган аризасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб Аҳмонов Нурмат Рустамович;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб:

- Анортоев Исмомилжон
- Мадраҳимов Абдураҳимович сайлансинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин:

- Голованцев К. Ю. — берган аризасига биноан;
- Отанов Ф. Х. — бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб Аҳмонов Нурмат Рустамович;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб:

- Анортоев Исмомилжон
- Мадраҳимов Абдураҳимович сайлансинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин:

- Голованцев К. Ю. — берган аризасига биноан;
- Отанов Ф. Х. — бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб Аҳмонов Нурмат Рустамович;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб:

- Анортоев Исмомилжон
- Мадраҳимов Абдураҳимович сайлансинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин:

- Голованцев К. Ю. — берган аризасига биноан;
- Отанов Ф. Х. — бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб Аҳмонов Нурмат Рустамович;

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари этиб:

- Анортоев Исмомилжон
- Мадраҳимов Абдураҳимович сайлансинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин:

- Голованцев К. Ю. — берган аризасига биноан;
- Отанов Ф. Х. — бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

5 май кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай деди:

— Сафардан мақсадимиз Россия билан муносабатларни чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашдир. — Уйлаيمانки, халқимиз ҳам бу фикрни маъқуллайди. Россиянинг Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиёда ўз манфаатлари бор. Шунингдек, аввал айтган фикрларимни яна қайтариб айтаман: Россия билан нафақат сиёсий, балки иқтисодий масалаларда ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик биз учун устувор масала бўлиб қолаверади.

Мустақилликка эришгандан кейин юздан зиёд давлат билан расмий алоқа ўрнатдик. Лекин бизнинг ташқи сиёсатимизда Россиянинг ўз ўрни

бор. Бунинг республикамизнинг олис ишлоқларида ҳам яхши тушунадилар. Ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатдан, алоқадан олдий кишилар ҳам, корхоналар ҳам бирдай манфаатдор. Бу нафақат иқтисодий сиёсий, балки бошқа масалаларда ҳам яққол сезилиб турибди. Биз ташриф давомида шундай муносабатларимизнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш ниятидаимиз.

Сафар асносида Россия Президентини Б.Елдин билан ўзаро алоқаларимиз ҳақида Баёнот имзоланади. Шунингдек, Ўзбекистонда В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида Москвадаги Илюшин конструкторлик бюроси ҳамда АҚШнинг баъзи бир компаниялари билан ҳамкорликда ИЛ-114 йулвочи ташувчи ва ИЛ-76М юк самолёти ишлаб чиқариш бўйича консорциум ташкил қилиш ниятидаимиз. Бундай самолётларга ҳозир дунё бозорига эҳтиёж катта. Булардан ташқари, ҳукуматлараро ўнга яқин бошқа ҳужжат-

лар ҳам имзоланиши режалаштирилган.

Энди мустақилликка эришган пайтларимиз Москванинг бизга муносабати бошқача эди. Очигини айтсак, у ердаги айрим сиёсатчилар "булар биздан айрилиб қаёққа ҳам борарди, бироз вақт ўтиб, яна олдимизга ўзлари ялиниб келадилар", деган фикрда эдилар. Улар бизга ҳамон собиқ иттифокнинг бир республикаси сингари қарашда давом этарди. Улар Ўзбекистон ўзининг мустақиллиги йўлидан асло қайтмаслигини, бу давлат билан нафақат алоқани мустаҳкамлаш кераклигини даъво қилишга эътибар қилмадилар. Улар нафақат тенг ҳуқуқли алоқаларни йўлга қўйиш кераклигини сингиролмадилар. Бугун эса Россияда бундай қарашлар яхшилик томонга ўзгарганини кўриб турибмиз.

Россиянинг юқори раҳбар доираларида ҳам, минтақаларида ҳам Ўзбекистонга нисбатан бошқача муносабат пайдо бўлди. Президент Б.Елдиннинг энди орқага қайтиш йўқ,

собиқ совет республикалари мустақиллигини тан оиди ва шунга муносиб алоқалар ўрнатилиши керак, деган таби эсимда. Ҳозир бу фикрни қўллаб-қувватловчилар Россияда жуда кўп. Яқинда Свердловск вилояти корхоналари маҳсулотларининг Тошкентда ўтказилган кўргазмаси ҳам шунинг бир далилидир. Уларнинг бизни тан олгани, мустақиллигимизни ҳурмат қилиши аниқ сезилди.

Россияга 1994 йил 2-3 март кунлари бўлган илк расмий ташрифимиз чоғида бизга муносабат бутунлай ўзгача бўлган эди. Мен эндиги ташрифимиз мутлақо бошқача кечади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

ТАШРИФ БОШЛАНДИ

МОСКВА, 5 май. (ЎзА махсус мухбири Б.Эгамқулов хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бугун давлат ташрифи билан Москвага келди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэропортига юксак мартабали меҳмонни Россия Федерацияси ҳукумати раиси Сергей Кириенко ва бошқа

расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш. Шоҳайлов ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев ҳам бор эди.

(ЎзА)



Бугун ям-яшил ва бўлиқ галла майдонларига боқиб, фотомухбиримиз Тўлқин Каримов олган бу суратлар билан муштаракликни ҳис этасан, киши. Дарҳақиқат, яшил майсаларда Тошкентдаги «Нон-паста» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган тонналаб мақоронлару 20 турдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари суратини кўришингиз мумкин.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Наргиза Мусаева; цехда иш қизини.



КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Бобаят туманидаги «Ғаллакор» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида баҳорги дала юмушлари ҳар қачонгидан-да, қизгин. Туманда биринчилардан бўлиб экинни туғаллаган жамоа меҳнаткашлари асосий майдонлардаги чигитни бехато ундириб олишган. Дастлабки ишлов бериш бошланганига ҳам ўн кундан ошди. Бир-биридан бўлиқ бошок торган галлазорни айтмайсиэми...

Хўжалик деҳқонлари ўтган йил барча кишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил кўтариб, йиллик режани туманда илгорлар қаторида удалаганлар. Хўкумат олдига ҳам, элулу олдига ҳам юзлари ёруғ бўлган. Ҳар гектар ердан 34 центнердан юқори сифатли пахта топширганлар. Ғалланинг ҳосилдорлиги эса 36 центнерни ташкил этган. Нурилло Маҳмадиев, Раимкул Аширлиев, Абдурайим Маматқулов, Алҳам Жумабоев бош бўлган бригадада ҳосилдорлик 38-48 центнерга кўтарилди. Жамоа аъзоларининг жорий йилдаги ниятлари янада хайрли. Мажҳуд 1249 гектар майдонга уруғ қалади, шундан 220 гектарда қайи чигит плёнка остига экилади. Тўғри, бу йил қиш анча чўзилиб кетиб, ер кеч этилди. Баҳорнинг серғин

далисида гўзага ишлов бериётган ота-бола механизаторлар — Кубай ака ва Али Ҳасановлар ишини кузатамиз. — Утган йили Абдурайим бошлиқ бригада ҳосилдорлик 48 центнерга етган, — дейди фахр билан ҳиссадорлик жамияти раиси Пиримқул Йўлдошев. — Бу туман бўйича энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бу йилги ҳаракатлари ҳам чакки эмас. Чигит экинни барнақ туғаллашди, маъданли ўғитлар со-

линиб, биринчи ишлов берилапти. Ҳозир хўжалик бўйича ўн еттига ҳилон трактори унум билан ишлатилаётир. О. Аширлиев, К. Ҳасанов, А. Пардаев сингари механизаторларнинг ҳар бири ўз агрегати билан кунига 5-6 гектардаги ёш ниҳолларга сифатли ишлов беришмоқда. Далада ишлов-Хўжаликнинг тузилиши, номи узарди. Натига-чи? — Натига кўнгилдагидай, — дейди Пиримқул ака. — Ёдингида бўлса, Президентимиз ўз нутқларидан бирида «кишлоқни ислоҳ қилишни далада тер тўкаётган кишилар тафаккурини ўзгартиришдан бошлаш керак», деган эдилар. Эътироф эттиш керакки, одамларнинг ишга муносабати узгарган. Ўз меҳнатлари пировард натижа-моқчи. Режадан ташқари етиштирилган будой — деҳқонликки Яна, шунингдек, хўжаликда 367 гектар шол, 8 гектар сабзавот, 5 гектар полиз маҳсулотлари экилан. 6 гектар ердаги уюмзору 42 гектардаги бог ҳам уюшма аъзолари тасарруфиди. Дала ишлари кўнгилдагидай экан, одамларнинг қайфияти, яшаш шартоти қандай, дастурхони бут, рўзғори бадастирми, дериэи. Ҳар қалай, ишлаган тишлайпти. Ун, гуруч, ёг имкониятта яраша бериб турилибди. 1998 йил ҳосили ҳисобидан берилган аванс ҳам расмадан қилиб тақсимланди. Уюшманинг аъзоларидан ўтган йилдан дери қарз қолмаган, ҳисоб. Тўғри, қарз нақд пул билан узылган бўлса-да, рўзғорга керакли мой, гуруч, ун, будой берилди. Ҳадемай майнинг урталари билан будойга ўроқ тушади. Йилнинг дастлабки ҳосили барқали бўлиб, омбор донга, отил сомонга, чўнтак пулга тўлса, ажабмас.

Мажҳуд ТОЖИБОВ қизди, «Халқ сўзи» мухбири.

ИШЛАГАН ЭЪЗОЗ ТОПАР

Хўжалик раҳбаридан тортиб, бош муҳандис Саид Ҳасанов ва бош агроном Қўчқор Усмоновга далада — деҳқонлар билан елкадош. «Ғаллакор» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти бўлгани учун ҳам бу ердан кетувчилар ҳам, келувчилар ҳам санокчи.

АЙЛАНДИ МИЛЛАРИ

СОАТ

СЕПАҲБА ХАВАРЛАРИ

КЎРГАЗМА

БАЙРАМГА БАФИШЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида Ҳиндистон мустақиллигининг 50 йиллигига бағишланган «Ҳиндистон бўйлаб» фотокўргазмаси очилди. Дўст мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ташкил этган мазкур кўргазмада Ҳиндистонлик энг машҳур сураткашлар яратган юзга яқин асар намоиши этилмоқда. Уларда ҳинд халқининг тараққий ётли, буғунги ҳаёти, табиати, маданияти ва санъати, шунингдек, иқтисодий ва илм-фан борасидаги ютуқлари ўз ифодасини топган.

Шоли сана муносабати билан кутубхона хазинасида сақланаётган ҳинд муаллифлари асарлари ва ўзбек ёзувчиларининг Ҳиндистонга оид китоблари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

ОИЛА МУСТАҲҚАМ БЎЛСИН

Жиззахда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди, — деб хабар беради ЎзА мухбири Йўлчи Жўра. — Анжуманда хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ҳуқуқ ишораларининг вазибалари муҳокама этилди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Гулмова, Олий Мажлис ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори А. Туреуновнинг ана шу ҳақдаги маърузалари тинланди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар мамлакатимизда бу борада улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Айни вақтда хотин-қизлар манфаатлари ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, оилани мустаҳкамлаш, ёшларни юксак маънавий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга ҳамма жойда ҳам етарли аҳамият берилмаётгани қайд этилди. Оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар Давлат дастурини бажаришга кенг жамоатчиликни жалб этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

АЖАБО!

ЙЎҚОЛГАН ЛОЙИХА

Тоғлар этагиди жойлашган Ушор қишлоғи муаллимларининг фидойилликларига тан берасан киши, — деб ёзади сурхондарёдан Б. Илёсов. — Исобот керакми? Марҳамат! Ахир бу қишлоқдаги 182 нафар ўқувчига мўлажаллаб 60- йилларда қурилган кичик мактабда ҳозирги кунда 693 нафар болани бира-тўласига ўқитишининг ўзи бўладими?! Шу боис, таълим бу ерда уч сменда олиб борилади.

Бунинг устига, мактабнинг ўзи ҳам осари-атиқалар давридан қолгандай. Девоқлари омонат, ёнидан юрак ютиб ўтасиз. Хоналари тор, чуқур, зах ва қоронғу. Мактабнинг аввалги директори янги мактаб қурилишининг ҳамда мактабга олиб келадиган йўлнинг лойиҳа-сметаларини 1991 йилдаёқ тасдиқлаган эди. Бу лойиҳаларни «Термизлоиҳа» корхонаси директори Р. Харламова ва бош мутахассис Челаповлар чамабаракдек имзо чекиб тасдиқлаган. Лекин лойиҳа суғва чўккан тошдек йўқолади. Ҳозир улар вилоят марказидаги катта кўришни бошқармасида ёки вилоят архитектураси архивда ётгандир. Ёки...

ШОВ-ШУВ

«ЗИНГЕР» ЗЎРМИ?

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, ҳаммаёқда бу савил қозғур «Зингер» ҳақида гап-сўз кўп. Нама эмини, кимки немисларнинг бу матохини топиб келса, фалон милага доллар ё ёғи артилмаган яп-янги машина ишлаб олармиш.

Ҳатто ўтган ҳафта газета мухбирларидан бироси Нуротга борса, одамлар «Бу миш-мишим ё ростми, ҳамманинг уйига кириб сўрайверишиб, безор қилиб юборишиди-ку» дейишибди.


Дарвоқе, қузатувларимиз натижасини галати: хаши шу пайтгача ҳеч ким «Зингер» сотиб бир кунда бойиб ҳам кетгани йўқ ёки бирор киши «олди-сотиб»ни ўз кўзи билан кўрмади. Очиги, «Зингер»нинг зўрлигига гап йўқ. Лекин унинг шов-шувлари қачон босилади?

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

Совет ишларини Норқобил ЖАЛИЛ кузати.

ЎЗБЕКИСТОН-GERМАНИЯ:

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Бундан беш йил илгари Ўзбекистон Республикаси Президент Иброҳим Қаримов Германия Федератив Республикасида расмий ташриф буюрган эди. Мақсуд ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди, кенг ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб олинган эди.

публикамиз делегациясининг «Берлинда яшил ҳафталик» кўрғазмасида иштирок этиши, шунингдек, Саксония-Анхальт ва Баден-Вюртемберг федерал ерлари иктисослаштирилган делегацияларининг Ўзбекистонга ташрифларини санаб ўтиш мумкин.

Мамлакатларимизнинг глобал хавфсизлиги мустаҳкамлаш, терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлиги мўҳим аҳамият касб этади.

Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан шериклик алоқаларининг ривожланишига кўмаклашмоқда. Мамлакатимизда ГФРни нафақат жаҳон иқтисодининг етакчи давлатларидан бири сифатида, балки замонавий ҳалқаро муносабатлар тизимида мўҳим рол ўйнаётган давлат сифатида билади. Бундан кейин қиёбо, Ўзбекистон Германиянинг БМТ Хавфсизлик Кенашисида доимий аъзо бўлиш гоҳисини қўллаб-қувватлайди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг самарасини ўзбек-герман савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланишига таъминлаш яққол кўрсатиб турибди.

ГФР Президентини Роман Герцог ўзининг 1995 йил апрель ойида мамлакатимизга қилган расмий ташриф чоғида: «Буёқ Алишер Навоий «Оз-оқ ўрғаниб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» деган доно сўзларни айтиб ўтган эди. «Мазкур доно сўзлар иқтисодий ҳамкорлик соҳасига ҳам мос келади. Агар биз лойиҳаларни бирин-кетин амалга оширсак, натижада ўзаро яқин манфаатли муносабатлар тизими яратилади», — деб эътироф этган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорига 600га яқин немис фирма ва компаниялари фаолият юргизмоқда, уларнинг 40таси Тошкентда ўз ваколатхонасига эга. Улар қаторида «Даймлер Бенц», «Сименс»,

«Алкатель», «Тиссен», «Люфтганза», «БАСФ», «Саламандер» каби жаҳонга машҳур фирмалар бор.

«Ландтехник-Ташкент», «Чирком», «Уз-Винклер», «Грассо», «ТашВирт», «Интермед Экосан», «Намбу» ва бошқа қўшма корхоналар қишлоқ ҳўжалиги ускуналари тайёрлаш, қишлоқ ҳўжалиги машиналари ва йўл техникалари, телефон тармоқларига хизмат кўрсатиш, новийчилик ускуналарини олиб келиш ва уларни монтаж қилиш, табиий доғиларни етказиб бериш, гўшт-ёғ маҳсулотлари ва қорғоз ишлаб чиқариш билан шўғулланмоқдалар.

Молиявий ҳамкорлик ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Бугунга келиб немис кредитлари билан 800 млн. немис маркасига яқин миқдордаги 25 лойиҳа молия билан таъминланди.

Хусусий секторни рағбатлантириш бўйича республикамиз ҳўкуматининг сайти-ҳарақатлари қўллаб-қувватлаш мақсадига «КФВ» кредит банки Ўзбекистонда қишлоқ ва урға бизнесини ривожлантириш лойиҳасини молия билан таъминлаш учун 100 млн. немис маркаси миқдорда кредит линиясини очиб қиришди. Республикада қатор йирик сармоа лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган «Дойче банк» ва «Берлинер банк» фаолияти эътиборга сазовор.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан ГФР ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий ва техникавий ҳамкорлик барқарор хусусиятга эга ва у Германияда қатта сазолига эга деб ҳаёланган.

Икки томонлама муносабатларда маданият, санъат, фан, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам тобора қатта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Германиянинг Штутгарт шаҳрида ташкил этилган «Буёқ

ипак йўли авлодлари» кўрғазмаси, Германияда Ўзбекистон маданияти кўнрали доирасида Берлин, Потсдам, Дортмунд, Бонн, Висбаден шаҳарларида Ўзбекистоннинг мусиқа, тасвирий ва театр санъатини кенг намойиш этилганлиги буннинг ёрқин мисолидир. Ўз навбатида республикамизда ҳам Германия Федератив Республикаси маданияти кўнрали муваффақиятли ўтди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожига К. Аденауэр, Ф. Эберт жамғармалари, Гёте номидаги институт, Германия олий ўқув юрғлари университетлари ректорлари конференцияси, мамлакатнинг йирик «Дойче Велле» телекомпанияси, «Германия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти, «ЭПОГ» Берлин жамоат-маданият бирлашмаси қатта ҳисса қўшмоқдалар.

Аденауэр жамғармаси кўмағида Сент-Аугустин шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида туганган ўрни» мавзусида илмий конференция, «Орол экологик фоҳиасининг илмий ва халқаро аспекти» симпозиумлари ўтказилди.

Журналистлар гуруҳи ва немис ижодий зейбелари вакиллари ташаббуси билан Орол ҳақида ҳўжатли фильм олишти қиришди. Қорақалпоғистон болалар қасалхоналари дорин-дармонлар ва табиий ускуналари учун маблағ йиғишни ташкил қилди ва ҳозирги кунда бу ҳудудда сув тозалаш иншоотларини яратиш учун маблағ тўпламоқда.

Тошкент ва Самарқанд университетларининг Гумбольд номидаги ҳамма, Бамберг ва Геттинген шаҳарларидаги университетлар билан ҳамкорлиги самарали ривожланмоқда.

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Лекин ҳозирда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳозирги муносабатларнинг ривожланиши янги тус олди ва бу нафақат халқларимиз ўртасидаги ишончининг юксалишига хизмат қилади, балки Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муваффақиятли ҳамжиҳатликнинг ёрқин мисолидир.

Шўҳрат ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА муҳбири, Бонн.

БУХОРОДА ЖАҲОН ДАРВОЗАСИ

2 май кунин Тошкентдан парвоз қилган ТУ-154 самолётининг Бухоро аэропортида шоду хуррамлик билан қутиб олишти. Унда Бухоро аэропортининг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан пойтахтдан меҳмонлар ташриф буюрган эди. Қулдуг кунга бағишлаб йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Бухоро вилояти ҳўкимини С. Хусенов ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Бош директори А. Рўзметов мақсуд аэропортининг қадимий шаҳар ҳўятида қатта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашиб, соҳа ходимларини байрам билан самимий таб-

риқладилар. Дарҳақиқат, кейинги вақтда халқаро андозлар талаблари даражасида қайта таъмирланган Бухоро аэропорти ҳозир дунёнинг истаган бурчидан келган ҳар қандай самолётни қабул қилиши мумкин. Аслида, Марказий Осиёда энг чиройли тайёроғлардан бири сифатида эътироф этилган мақсуд масканнинг биринчи навбати Бухороий шарифнинг 2500 йиллик юбилейи арафасида қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Хорижликлар билан биргаликда бунёд этилган аэровокзал биноси ўзининг кўрси, сазоботи ва шарт-шароитлари билан алоҳида ажралиб турди.

Айни пайтда аэропорт мамлакатимиз бўйлаб парвоз қилаётган маҳобатли «Ў-85» самолётларини ҳам қабул қилаётган. Умуман, аэропортининг ҳашаматини кўздан кечириб экансиз, у бундан ролпа-роса 50 йил бурун боқроқлиқлару қамшизорлар ўрнида қад рўстлаганига ишонингиз келмайди.

Бухоро — музейлар шаҳри. Ҳар йили бу ерга дунёнинг турли чеккаларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюришади. Уларнинг сонини янада кўпайтириш мумкин. Виллоита эса туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар ишта солинипти. Бухоро аэропортининг эса бу бо-

радаги ўрни беқийс. Ҳўз навбатига, қадим шаҳарга чартер рейсларни кўпайтириш зарурияти ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Мумкин, Бухоро аэропорти тўла-тўқис халқаро йўналишларга ҳам хизмат қилиш имкониятига эгадир. Ҳадемай йўловчилар бу ердан «Бухоро-Нью-Йорк», «Франкфурт-Бухоро» ёки «Бухоро-Току», «Сеул-Бухоро» сингари рейсларда парвоз қилишса, ажасмас.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД, «Жалқ сўзи»нинг махсус муҳбири.

МОЛИЯ ВАЗИРАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 1998 йилнинг биринчи чораёида давлат бюджетининг ижроси ва жўрий йилнинг қолган вақти мобайнида молия органлари олдига турган асосий вазифаларга бағишланган кенаштирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Кўрилатган барча чора-тадбирларга қарамай, ҳисоботи даврида молия вазири виллоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида боқимандалик ҳажми ортаган. Шу билан бирга, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўпайиб бориши корхоналарнинг молиявий аҳволини қийинлаштирмоқда. Кўпгина виллоятларда ўзаро қарзларнинг ўсдан бири қисми тўлов мўдатидан ўтиб кетган.

Мажлисда давлатимиз молия сўбсатини янада изчиллик билан амалга оширилишига эришиш, маҳаллий бюджетининг даромади ва харажат қисмларини тўла бажариш, ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш молия тизими барча раҳбарларининг энг мўҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Ҳайъат мажлисида, шунингдек, Тошкент виллояти молия органларида иқтисодий назорат ишларининг аҳволи ва бошқа бир қанча масалалар муҳокама этилди. Кўридан масалалар юзасидан тешилли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

САЙЛОВЧИЛАР ОРАСИДА

Ҳайъатимнинг жўшқин паллалари, навқирон йиғитлик даврим Зарифов ва Учқулдулда ўтди, — дейди Виталий Николаевич малактарин соҳиларини оҳиста силаркан. — Саҳро бағридаги бу шаҳарларда ҳайъатнинг қатта бир мактабини ўтадим. Кейин Навоий тоғ-металлургия комбинатида ишладим. Ҳамма жойдаим кўпроқ одамлар орасида, ер ости шахталарида, олдий ишчилар, бурғуловчилар ёнида бўлишга, уларнинг қўнуч ва ташвишларини тинглашга, қўлимдан келганича ёрдам беришга интилдим.

Ҳайъат шундай муаммолар ҳам бўладики, баъзан уларни юз фойз ҳал этишининг иложини тополмай қоласан. Бундай пайтда ишчи қай бир оғиз ширин сўз қилмоқ. Айниқса, тоғ-кон сановатига ҳамма вақт ҳам ҳиссондада ўтириб, тумчани босиб буйроқ бериш ёки гўшакдан шунчаки кўрсатма йўналиш қўй қилиш билан иш силлик битавермайди. Бунинг устига қончилар нозиктаб қишлоқ эмасми, кўпроқ олмиликни хўш қўришади.

Ҳеч эсимдан чиқмади: сайловчи қўнуч эди... Бир ўринга бир эмас беш нафар номоҳод кўрсатилган. Сайловчилар билан деярли ҳар кунни учрашдик. Депутатлик кампанияси насб этди.

В. Виталий Сигедин, депутатлик фаолияти бошланган даврдаги қўнучлардан одамлар билан юзма-юз гаплашишга, улар томонидан билдирилган тақдир ва муҳолазаларга жиддий-эътибор қаратишга ҳарақат қилди.

Одамлар унга, у эса сайловчиларга суяниб яшаш, ишлаш, янгиликка интилди, оқибат, одамларнинг оғирини енгил қилиш учун асоқатидан хайрли ишлар қилишга одаланди. — Ҳайъатимизда энг қийин дамларни эслай оласизми, — сурайми ундан. — 1997 йилда 500 га яқин кишини фақатгина сайловчи сифатида қабул қилдим. Қўнучларнинг қорига яраганлигидан қўнчили таскин топади. Иш, югур-югур сабаб, қўлим калталик қилган, имкон топа олманган пайтлар ҳам бўлган...

Лекин В. Сигедин ҳар қандай вазият ёки паллада муаммонини ҳал этишининг мўқобил шаклини топишни афзал қўради. У бундай пайтда табиийки кўпроқ оқсоқоллар — қўнчи кўрган қарияларга суянади. Олмалиқ сановат шаҳри эмасми, нима кўп, келди-кетди кўп. Айниқса, тоғ-металлургия комбинатида ташриф буюрувчи меҳмонларнинг адоги қўримайди. Афсуски вақтида олмиқ меҳмонхона қўриш тўғрисида ҳам ўйлаб қўришмаган экан. Бу юмуш ҳам Сигединнинг чегира тушди. Ёлпаса булар экан, бийонидек меҳмонхона бўлди. Бундан ташқари шаҳардаги ташланмақ ҳолдаги ётоқхона Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ишчиларига тақдим этилди. Айни пайтда шаҳардан 20 қақирим узоқликда янги мактаб биноси қуриляпти. Узоқ йиллардан буйён Олмалиқ шаҳарда аҳоли иситиш тармоғи (қозонхона) йўқлигидан қийналишарди. Бунинг ҳам иложи топилиди; комбинатда метални қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган иситкич сарфи ана шу тармоққа йўналтирилди.

ОЛМАЛИҚ ОЛТИНИ

Олмалиқликлар бир воқеани ҳали-ҳали ҳўжонланиб эслашади. Ушанда, Олмалиқдан сайланган Олий Мажлис депутати сайловчилар билан ишлашнинг «Сигединча йўли»ни топишди. Ҳан шундаки, депутат ўзи ишлаётган комбинатда ички телевидение ташкил қилди. У сайловчилар билан режадаги учрашувга мувофиқ ана шу телевидение орқали ошқора мулоқот қила бошлади. Бу усул Сигедин кутундидан ортироққ самара берди. Сайловчилар уларнинг қизиқтирган саволлар, муаммолар ҳамма тақлиф-мулоҳазаларини етказиб туришди. Сигедин ҳам вақтиний аймай, ҳар бир сайловчинини сабр билан тинглади. Шундай кўнралининг бирида ишчи ёшлар Олмалиқнинг йўлош телевидение алоқиси билан таъминлаш зарурлигини айтиб қўлишди. Иймониб, қисиниб айтилган тақлиф нафақат шаҳар аҳолиси, балки Олмалиқ ён атрофидаги қишлоқлардаги хонадонларда ҳам йўлош телевидение кўрсатуварини то-



ХОРИЖ ПЛЁНКАСИГА ЭЪТИМЖ ҚОЛМАЙДИ

Ешига насбатан ҳали қайратчан, ҳар бир сўзига комбинат ишчилари манфаатини ўйлаб мулоҳаза юрғатадиган сўбатдошимиз ҳўқосини тинглаб, экансиз, олмалиқликлар Сигединга овоз бериб янгилимаган экан, деган ҳўсуга келиштириш аник.

Корхона жамоаси айниқса кейинги даврда амалга оширилган тадбирни бевосита унинг номи билан боғлашади.

Сановат корхоналарида, айниқса, рангли металлургия қайта ишлаш жараёнида меҳнат қилганлар сўз-қатқисиз ишлаш соғлиққа зарарлигини яқини бийишади. Бунинг Сигедин фаҳмига, савобли ишта қўй ўрганлига, қўнчили учун «барбир синди» деб ўйланган. Зеро, уларнинг хавотирини ҳам жон бор эди. Чунки зотли сингирларни Голландиядан олиб келиш, Сигедин ўйланганлик осон иш эмаслида. У таваққал қилди. Ва ютди. Бугун ўша зотли сингирлардан бутун бир бошли сўт-товар фермаси ташкил топили. Сўт-қатқик корхона ишчилари эътижидан ортиб, ҳўт мактаб ва боғчалардаги қичқинтойлар ноҳўшасига етиб борапти. Бу ерда ана унинг тадбиркорлиги қўл келди. Қайта ишлаш цехлари қурилиб, қанмоқ, сариёғ, қатқик ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Илгари қайта ишланган металллар қичқиндиси яроқсиз саналар ва ундан буткул воз кечиларди. Бугун ўша қичқиндилардан ҳам янги турдаги маҳсулотлар олиш мумкинлиги исботланди. Бу ҳам корхонага мўмай даромад келтирди. 1997 йили виллоятдаги айрим қўнчилиларда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилган плёнкалардан фойдаланилди. Тажриба самарали бўлди.

— Мана қаранг. Ҳитой плёнкасидан кам жойи йўқ, — дейди В. Сигедин янги маҳсулотга ишора қилиб. — Аҳир қанчонга хориждан сотиб оламиз. Ўз имкониятларимиздан ҳам фойдаланайлик-да.

Комбинатда японларнинг «Фунай» фирмаси билан ҳамкорликда биноидек рангли телевизор ва видеоматрицадан ишлаб чиқариляпти. Бундан ташқари жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган, бежирим, масофадан бошқариладиган соувтчилик (кондиционер)ни кўрсатишганда, уни айнан, Олмалиқ қончилари ишлаб чиқараётганига бироз ишонқирамагандай бўлди.

— Бу чўпқимас, ҳўқикат. Ишчиларимиз, муҳандис-техник ходимларимизнинг тинимсиз ўқиб-иланишлари самараси, — дейди директор жазоблари ҳўжонимизни сезиб.

Булар Виталий Сигединнинг депутатлик фаолияти билан уйғунлашиб кетган қўнуч ва ташвишлари. Айнан ана шундай хайрли қўнуч ва ташвишлар тўғрисида, комбинатнинг пойқадими ёқиб фойда доимо зиндан устун келмоқда. Иқтисодий ислохотлар комбинатнинг ҳар бир тармоғига изчиллик билан қўриб бораётгани тўғрисида ишчиларнинг молдий манфаатдорлиги узуқсиз таъминланиб, ижтимоий ҳўмон тамойили қарор топапти.

Шодибёр КАРИМОВ, «Жалқ сўзи»нинг Тошкент виллояти бўйича ўз муҳбири.

ИНСОН МАНФААТИ - ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий, демократик, сийсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдан иборат. Бу борда вазиригимиз тизимида ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳўмонга мўҳтож фуқаролар маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланапти, ногиронларга табиий ёрдам кўрсатишмоқда, ижтимоий ва касбий реабилитация масалалари эса ўз ечимини топтомоқда. Бунда, айниқса, вазирилик ва Германия Федератив Республикасининг «Майра», Исроилнинг «Эшед Мазор ЛТД», Америка Қўшма Штатларининг «Простотек энд Орсоул Ассоасиэтед Интернешнл Инк», «Енғраг», «ЮСАИД» ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этаётир. Ана шу ҳамкорлик тўғрисида корхоналаримизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, уларни техникавий жиҳатдан қайта жи-

ҳозлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. «Майра» фирмаси ногиронлар учун аравача, реабилитация воситалари ва қариялар учун зарур мосламалар ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган. Бу ерда ҳар йили 95000 донагача аравача тайёрланади. Мазкур бообўр фирмага бир неча йиллардан бери Вильгельм Майер президентлик қилиб келмоқда. Фирма эса дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйган. Вазиригимизга қарашли «Ортопедия» очик турдаги акциядорлик жамияти ҳам «Майра» фирмаси билан ҳамкорликда ногиронлар аравачалари ишлаб чиқаришга киришти. Мақсад эса битта: у ҳам бўлса, шундай реабилитация воситаларига эътижаманд одамлар талабини қандириш, уларнинг оғирини енгил қилишлар.

Ҳисоб-китобларга кўра, республикамизда протез қўрилиши ва юқори даражада хизмат кўрсатишининг янги йўналиши

тўғри йўлга қўйилса, ногиронларнинг 10 фоизини яна меҳнат фаолиятига қайтариш, ишлаб чиқариш соҳасида эса 200 га яқин янги иш жойини барпо этиш мумкин экан. Шу жиҳатдан оёқ протезлари ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш юзасидан Исроил давлатининг «Эшед Мазор ЛТД» компанияси (президентини Ш. Шахам) ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган «Таянч ЛТД» қўшма корхонаси имзолаган шартнома диққатга сазовор. Ушбу корхонада яқин келажакда маҳаллий малакали мутахассислар фаолият кўрсатишлари лозим. Шунинг учун иқтидорли ёшларимизнинг тўрт нафари Исроилда тажриба орттириб қайтишти. Бу — лойиҳанинг биринчи боққичи. Унинг кейинги боққичларида эса ишлаб чиқариш биноси тўла таъмирланиб, янги технологияга мослаштирилади.

Протез ва ортопедия маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Протекс ЛЛС» ўзбек-америка қўшма корхонасининг ташкил этилганига ҳам унчалик кўп

вақт бўлгани йўқ. Унга зарур хомашёлар АҚШ, Франция, Германия, Бельгия ва Исроил каби давлатлардан келтиришмоқда. Қўшма корхонани Марказий Осиё минтақасида ягона десак, асло муболага бўлмайди. Чунки бу ерда илгари 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқариляди. Шу ўринда Америка Қўшма Штатлари «Енғраг» халқаро хайрия жамғармасининг (директори Д. Ким) Ўзбекистонда фаолияти тўғрисида ҳам дўхталиб ўтиш жоиз. Бу жамғарма томонидан ногирон болалари орасидан истеълод эгаларини аниқлаш, уларнинг қўнчилини кўтариш ва ўз ҳўятига бошқача назар билан қарашларига кўмак берувчи халқаро бадийий ташлов ҳамма семинарларнинг ўтказилиши нафақат республика жамоатчилиги ўртасида, балки Марказий Осиё давлатлари вакиллари ва хорижликларда ҳам қатта қизиқтиш уйғотмоқда.

Яна бир далил. Ўзбекистонда пенсия ислохотларининг устувор йўналишларини амалга


оширишда жаҳон андозларига мос келадиган лойиҳалар гонг зарур. Бу борда АҚШнинг Тараққийёт агентлиги ва Дивелопмент Алтернатив (INC) ЮСАИД (лоийха директори Д. Вартоник) ташкилотлари вакиллари мутахассисларимиз билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Янги лойиҳа республикамизда давлат пенсия дастурини узоқ йиллар мобайнида молиялаштириш ва унинг яқлит молиявий базасини яратишни кўзда тутди. Шу билан бирга, ушбу дастур доирасида халқаро метёрлар, ижтимоий сўгурта тизимини такомиллаштириш бўйича тайёрланган тавсияномалар ҳам бизнинг иш фаолиятимизда кўпроқ фойда келтириши, шўбҳасиз.

О. МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирилик ходими.

ГУЛДОНИМИЗГА... ГОЛЛАНДИЯЛИКЛАР ХАРИДОР

Риштон қўлолларининг доврўги республикамиздан олисда, ҳатто Европадаги қатор мамлакатларга ҳам ёйилгани ҳаммага маълум. Улар дунёдаги йиғирмага яқин халқаро кўрғазмаларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллашган. Афсуски, сўнгги йилларда мавқега бир оз соя тушди: корхона аҳли бозор муносабатлари шароитига ҳадеганда мослаша олмади. Аммо бош корхона — бадийий буюмлар ҳиссдорлик жамияти раҳбарлари ўзгаргач, қадимий санъатнинг илгариги доврўги ва шўҳрати яна тикланаётир. Яқинда Голландиянинг «Врайзен — керамика» компаниясидан буюртма олинди. Голландияликлар 30 минг дона турли ҳажми ва кўринишдаги Риштон гултувағи харидор бўлиди. Бу сўлкам 40 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотдир. Энди дунёга машҳур Голландия гуллари Риштонда ишлаб чиқарилган бежирим тувакларда жаҳондаги гул шайдоларига тақдим этиляди.

Набижон СОБИР, «Жалқ сўзи» муҳбири.



Жиззах шаҳрида ўзбекистонлик ва ливанлик ишчилар билан ҳамкорликда таъкиллашмоқда «Роҳат-джей» қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда етти турдаги музқаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда 30 ишчи меҳнат қилаётган «Роҳат-джей» қўшма

корхонаси Италиянинг замонавий асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Кўнча 1,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳозир бу ерда талабга қараб бир кўнча 600 килограмм музқаймоқ тайёрланмоқда.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариляётган маҳсулот сифатли ва арзон. Шунинг учун Жиззах музқаймоғига бўлаг

талаб кўндан кўнча ортиб борапти. Жумладан, бу маҳсулот Сирдарё ва Тошкент виллоятларига, қўшма Қозғистон Республикасига ҳам жўнатилямоқда.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона ишчиси Улуғбек Шодикўлов қўшма корхона ишлаб чиқарган маҳсулотни.

Б. ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 5 майдан бошлаб ҳисоб ва боқжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўзга насбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	85,53	10 Португалия эскудои	4,71
1 Австрия шиллинги	6,86	1 Сингапур доллари	54,30
1 Англия фунт стерлинги	143,38	1 СДР	115,90
10 Бельгия франки	23,40	1000 Туркия лираси	0,34
1 Голландия гульдени	42,83	1 Финляндия маркаси	15,88
10 Греция драхмаси	2,75		



ФЕРМЕР МУКОФОТ ОЛДИ



СУРАТЛАРДА: Зокиржон Қўзибоев оиласи Сафураҳон, ўғли Ҳамзаали билан иссиқхонадаги помидор қўчатларини кўздан кечирмоқда; обхўвозчи Илҳомжон Хидиров; пирү бадаллат оила соҳиблари Нездатжон ака Қўзибоев ва Хуррихон ая Қўзибоевалар набиралари даврасида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ёзёвон туманидаги тажрибали фермер Набижон Қўзибоев бошчилигидаги тадбиркор деҳқон (фермер) хўжалиги учун 1998 йил қувончли бошланди. «Энг яхши фермер» кўрик танловининг туман босқичида муваффақиятли қатнашиб, мукофотга телевизор олишди. Танловнинг вилоят босқичида фахрли 3-уринни қўлга киритган Набижон Қўзибоевга видео магнитофон nasib этди. «Бу ютуқлар нафақат меники, балки доимий маслаҳатгўйим, уста деҳқон Нездатжон отаники ҳамдир», дейди у.

Ҳақиқатдан ҳам Нездатжон ака Қўзибоевнинг деҳқончилида кўзи пишган. 10 йилдан ортиқ хўжалик раиси бўлиб ишлаган, ер тилини яхши билди. Унинг бошчилигида Ёзёвон тумани Ўзбекистон жамоа хўжалигидаги Буткачи қишлоғидаги Қўзи-

боевлар хонадонида иссиқхона, шולי обхўвози, тегирмонлар қурилган. Улардан Буткачи ва атроф қишлоқлар аҳолиси беминнат фойдаланади. Булғор қалампирни қўчатларидан бутун маҳалла аҳли баҳраманд.

Нездатжон ака бошчилигидаги хонадон аҳиллиги билан танилган оилалардан. Унинг ва олий колхозчи аёл Хуррихон Қўзибоевнинг тарбиясини олган ўғиллари Набижон ва Зокиржон, қизлари Матлуба-ю Махпиратларнинг ҳаммаси олий маълумотли.

«Тадбиркор» фермер хўжалигида ҳозир 70 бош қорамол, 120 бош қўй боқилмоқда. 29 гектарли ер майдонининг 5 гектариде пахта, 14,5 гектарда буғдой, 2 гектарда беда, қолган 7,2 гектариде эса маккажўхори парваришланмоқда. Фермер хўжалигига қарашли бир гектарли боғда ўрик, шафтоли, олма қўчатлари бу йил шигил мевага кирди.

Фермер хўжалиги Ўзбекистон жамоа хўжалигидаги «Машъа» ва «Ғунча» номли болалар боғчаларини ҳар куни 50 литр серқаймоқ суг билан таъминлаб турибди.



ЛУҚМА ...ОЙНАДАН ЎПКАЛАМАНГ ЁКИ АНТИҚА ШИКОЯТЛАР ҲАҚИДА

Кейинги пайтларда баъзан шикоятларнинг галати, антиқа хиллари кўзга ташланиб қолмоқда. Улардан бирида муаллиф ўзининг аёл исми-шарифини яшириб, шикоят битилган жумбоқлардан бутунлай боқабар бошқа бир кимсаннинг номидан «ишлов» қилади. Текшир-текшир бошлангандан сўнг қарабасизки хижолатпазлик, ариза тағида исми-шарифини кўрган кимса «ўлимдан баҳарим бор, илло-било, бу гапларга меннинг ҳеч бир алоқам йўқ», дейди, ноқулай аҳолида қолади. Билгиники, ўз номини очиқ кўрсатишдан қўрққан нухса эса ўша давранинг бир четида ичиде «хи-хи»лаб турган бўлади. Агар айтмоқчи бўлган гапни рост бўлса, нега ўзгалар сояига яширинади, мард бўлса майдонга чиқвермайди ёки асосий мақсад бир четда туриб кесак отишини, сувиной лоққатлашми?...

Поп шаҳрининг «Тинчлик» маҳалласидан шикоят хати келди. Унга уруш қатнашчилари, кўп болали оилалар, ёлғиз нафақатхўрлар номидан маҳалла қўмитаси расми деб илмо қўйилган, исми-шариф кўрсатилган. Текширишда шубҳа аниқландики, маҳалла қўмитаси расмининг бу хатдан умуман хабари йўқ экан. Маҳалладаги кўпчилик фойрилар ва фаюллар билан сўбат ўтказилганда газета таҳририятига бирор кимса мурожаат қилганини аниқланмади. Ёзилган шикоят мазмуни ҳам ўз таълиғини топмади. Газ ва электр қуввати таъминотида ҳозирги пайтда аҳолидан шикоят қўлиғи ҳақида ёзма ахборот олинди.

Шуларлар даврида имзосиз хат — аноним ёзувчиларга Худо берган эди. Омади юршайётганларни кўраган кузлари йўқ кимсалар отғина нима келса ушани ёзиб, эл-юртга хизмати сингган не-не хурматли кишиларимизга мағзава тукиб, балчиқ чапашарди. Уша давр раҳбарияти онгли равишда бу ярамас усулни ҳар тарафлама қўлаб-қувватлашарди. Нега деганда узаро келишмовчиликлар қанча авж олса, қизил империя учун шунчалик хуш ёқарди. Бу уша — ораларини бузиб, бир-бирини гиж-гижлаб қўйган-да, ҳукмронлигини юригабер, деган сибсатининг айнаи ўзинаси эди. Эндиликда бунга чек қўйилди, гапингиз рост бўлса истаган ташкилотга ҳеч бир иккиламла мурожаат қилверинг. Ўзбекистон Республикасининг «Фўқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъий назар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қондилади, шунингдек, мазкур мурожаатларни қўриб чиқиш тартиби ва муаллифлари белгилаб берилган. Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тузатуви ва маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар қўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва қўриб чиқилмайди. Муэтақиллигини туҳматчилик бўлишига, турфа анонимчиликлар йўлига солсан, уларнинг қўланса «ишлов»ларига барҳам берилади. Мана нима сабабдан баъзи кимсалар ўзгаларнинг номидан «ишлов» қилмоқдадилар. Афтидан, уларнинг «эски касали» қўлаб қўйса керак, яна билмадик.

Энди бу ёғи ҳар кимсаннинг ўз виждонига ҳавола. Ҳар нарсани кўрувчининг, ҳар нарсанинг сўровини бор, бўли унутмайлик.

Кўйилган иккинчи хил антиқа шикоят ва унга келган жавабни ўқитган киши кўнлигига ҳар хил ўй-фикрлар келса керак. «Каттақўрғон шаҳрида аҳолига телефон хизмати кўрсатиш жуда ёмон аҳолида, — деб ёзилган бир гуруҳ фуқаролар (уларни, ушловимасин деб, атайлаб, исми-шарифларини келтириволмайми). — 6-43-11, 6-43-18, 6-45-21, 6-38-87 рақамли телефонлар мўдум сўнг, соқов. Ваҳоланки, хизмат ҳақини 3-6 ой олдин тўлаб қўйганми. Бу пулларга «қўйиб» қолаверарми? Хурматли ахш тўлаган пулларимизни қайтариб олишимизда ёрдам берсаларингиз!»

Энди шаҳар ҳокими жаноб Т. Ҳамедовнинг юборган жаваб хатини ўқийлик. «Кўрсатилган 6-43-11, 6-43-18, 6-45-21 ва 6-38-87 рақамли телефонлар абонентларининг 1.03.1998 йил ҳолатида алоқа хизмати учун қарзлари жами (турғалисиники) 3960 сўмини ташкил этади. Шикоят қилувчилар хизмат ҳақини оилаб тўламаганилига ва қарзлари қўйиб кетганилиги сабабли уларнинг телефонлари тармоқдан узиб қўйилган. Улар қарзларини яқин кунларда тўлашларини ёзма равишда ишонтиридилар. Шунини инобатга олиб, телефонлари вақтинча улаб берилди».

Исмомил СУЛАЙМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРИДАН БИР ГРУХИ КОЗОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТИББИЁТ ИНСТИТУТЛАРИ БОЛАЛАР ЖАРРОҲЛИГИ КАФЕДРАЛАРИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАРНИНГ БЕШИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАТНАШИБ, ОЛТИН МЕДАЛЬ ВА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ДИПЛОМГА САЗОВОР БЎЛДИ.

САМАРҚАНДЛИК ТАЛАБАЛАР — ҒОЛИБ

Анжуманда Россия, Белоруссия, Украина, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 46 олий ўқув юртидан 150 га яқин талаба иштирок этди. Тиббиёт институти болалар жарроҳлиги кафедраси мудир А. Шамсиев раҳбарлигидаги самарқандлик бўлажак жарроҳлар — М. Саидов, З. Жуманова, Ш. Муҳиддинов ва Ж. Шамсиевнинг маърузалари ва амалий тадқиқотлари натижалари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Уларнинг болаларда учрайдиган оғир тиббий асоратларни жарроҳлик йўли билан бартарғай этиш, турли шовшинч операцияларни ўтказишга доир илмий ишлари барчада катта қизиққиш уйғотди.

Х. ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗИГА ХОС, ШАРОИТГА МОС

Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сингари ёғ ҳам қундалик турмушимиз учун энг зарур эҳтиёжлардан саналади. Уни ишлаб чиқариш қўлами эса ҳали бироз суеатдир. Агар жаҳон ёғ ишлаб чиқариш жараёнига назар ташласак, «Oil World» журналининг ёзишича, 1997 йили жаҳон бўйича 257,3 миллион тонна ёғ ишлаб чиқарилган. Жумладан 131 миллион тонна соя ёғи, 31,2 миллион тонна рапс усимлиги ёғи, 26,2 миллион тонна кунгабоқар ёғи, қолганлари эса зигир, пальма, ер ёнғоқ ва бошқа усимлик ёғларидир. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари учун умумий технологияларнинг 53-55 фоизини соя ёғи ташкил қилади ва бу ёғ жуда ҳам кенг миқёсда ишлатилади. Негизи соя ёғи экологик тоза ёғ бўлибгина қолмай, таркибиде инсон организм учун энг керакли элементлар ва витаминлар бор. АҚШ ва шунга ўхшаш давлатлар ушларни ишлаб чиқарган пахта ёғини чет давлатларга сотади. АҚШда ишлаб чиқарилган бир тонна пахта ёғининг 1998 йил февраль ойидаги

ўртача баҳоси 271 АҚШ долларини, Германияда ишлаб чиқарилган тозаланган кунгабоқар ёғининг бир тоннаси эса ўртача 256 АҚШ долларини ташкил қилади (бу нархлар жаҳон бозори нархи). Ваҳоланки, бизнинг республикамизда шифо сифатида олий навли, шифобахш усимлик ёғлари ишлаб чиқариб, аҳолининг таллабини тўла қондирибгина қолмай, балки, экспорт қилиш да-ражасига етишиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Бироқ, бу имкониятдан фойдаланиш учун юқори сифатли усимлик ёғлари ишлаб чиқариш зарур бўлишига шикоятчилик қилиш мумкин. Бундай технологияларни чет эллардан сотиб олиш мумкин, лекин чет эл технологиялари жуда қimmat, устига-устак маҳаллий шароитимизга мослашмаган. Республикада мавжуд бўлган илмий ишлаб чиқариш қўчалари бу йўналишда ривожланишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Электроника институтида ма-салавий иқтисодимиз учун на-қадар муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда алоҳида гуруҳ таш-кил қилинди. Бу гуруҳда шу ин-ститут олимлари — физика, математика фанлари номзодалари Султон Ализов, Ҳотам Ашуров ва Жалил Абдурахмо-новлар тинмай изламоқдалар. 1995 йилда мазкур гуруҳ то-монидан кичик ун тегирмони яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ҳозирда ре-спуб-ликавий вилоятларида ишлати-либ келинмоқда. Аини пайтда ушбу гуруҳ, янги кичик ёғ за-води лойиҳасини ишлаб чи-қиб, уни тайёрлашга кириш-

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Сўнги йилларда жаҳоннинг кўпгина тилга тушган, йирик компаниялари Ўзбекистон билан алоқаларини мустаҳкамламоқда. Уларнинг орасида шведларнинг «Сведала» фирмаси алоҳида ўрин тутди. Мазкур фирманинг фаолияти деярли барча китъаларни қамраб олган. «Сведала» — 200 та фирмаси бор халқаро компаниядир. Унинг қуёв, металлургия заводлари, қурилиш материаллари ва йўл-қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналари мавжуд.

Компаниянинг назари Ўзбекистонга ҳам тушди. Унинг эътиборини мамлакатимиздаги цемент саноати, фосфорит заводи қурилиши, тоғ-кон саноати каби соҳалар ўзига тортди. Шу сабабли «Сведала» Навоий ва Олмалик шаҳарларидаги кон-металлургия комбинатлари ҳамда «Ўзавтойўл» билан қалин ҳамкорлик ўрнатди.

Бундай ҳамкорликни ривожлантиришнинг яна қандай йўллари бор? Мухбирларимиз «Сведала»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Пол Каре Енсен билан шу ҳақда сўхбатлашди.

— Жаноб Енсен, компаниянгиз Ўзбекистонда ўз фаолияти учун бир неча йўналишни танлади. Улардан қайси бирини энг муҳим йўналиш деб биласиз?

— Биз учун барча йўналишлар муҳимдир. Агар «Сведала» таклиф этаётган жиҳозлар ва хизматлар республикангиз ҳукумати-нинг мамлакат саноатини мустаҳкамлаш дастури талабларига тўғри келса, у ҳолда «Сведала» компанияси учун Ўзбекистонда кенг фаолият имкониятлари пайдо бўлади.

Масалан, қишлоқ хўжалиги жаҳасини ривожлантириш бу ерда устувор ҳисобланади. Замонавий, жадал сурьатлар билан ривожланувчи қишлоқ хўжалиги учун эса аъло навли ўғитлар керак. Яқин ўтмишда Ўзбекистон фосфорит ўғитларни фақат четдан олар эди. Аслида, мамлакат зойи фосфорит конларига эга экан, демек, бу муаммони ҳал қилиш учун ўз маҳсулотларини чиқариши лозим.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги Қизилқум фосфорит комбинати (КФК) айнан «Сведала»нинг лойиҳаси асосида қуриляпти. Мазкур корхонанинг биринчи навбати яқинда фойдаланишга топширилди. Унинг ёлгинаси-да яқинда тўпилган қондан фосфорит русиси комбинатга ташиб келтирилмоқда.

Комбинатда эса у қайта ишланган, комбинат жиҳозлари мажмуасида эса Ер шарининг турли қисм-ларида жойлашган компаниямиз корхоналарида тайёрланган бўюмлар бор. Фосфорит ҳавзаси ва комбинат учун 45 миллион АҚШ доллари сарфла-ниб, унинг 5 миллиони «Сведала» жиҳозларини харид қилиш учун ажратилди.

— Булар билан бир

қаторда компания цемент ишлаб чиқариш соҳасига астойдил эътибор билан қарамоқда. Бун қандай изоҳла-са бўлади?

— Ўзбекистон маҳобатли қурилиш майдонига айланаётган ҳозирги кунда унинг цементга эҳтиёжи катта. Республикада бу эҳтиёжин қоп-лайдиган бир неча йирик це-

мент корхоналари иш-лаб турибди. Бироқ улар-да мавжуд жиҳозлардан фойдаланиш унумдорлиги-нинг пастлиги цемент иш-лаб чиқариш кўрсаткич-лари ҳам таъсир кўрсатмай қолмапти. Оқилона хара-жатлар қилинган ҳолда иш-лаб чиқаришни юксак дара-жага олиб чиқиш Ўзбеки-стоннинг цементга бўлган ўз эҳтиёжини тўла қоплабгина қолмай, аини пайтда бу хо-масини бутун минтақага экспорт қилишга ҳам шаро-ит яратади.

— Сизнинг Ўзбекистон кон саноатида иштирок этаётганингизни фақат табриқлаш мумкин, чунки бу республика иқтисодий тузил-масида самарали аҳамият касб этмоқда. Кон саноати тар-моқлари билан ҳамкорлиги-нгиз қандай жиҳатларга эга?

— Бу заминдаги асосан барча рудали ва русисиз иш-лаб чиқариш ёлғиз бир му-аммони бошидан кечирмоқ-да. Нисбатан эскирган ва унумдорлигини йўқотган жиҳозлар билан ишлатган корхоналар ўздуксиз равиш-да эҳтиёт қисмлар қаҳатчи-лигига ёки ускуналарни «чўнтақбон» харажатлар билан таъмирлаш қийинчи-лигига дуч келмоқда.

Масалан, Олмаликдаги кон-металлургия комбинати-даги йирик корхона яқин ўтмишда Россия ва Мўғули-стондан ташиб келтирилди-ган концентратларга боғ-ланиб қолган эди. Бироқ концентратлар импорти тўхтаб қолди. Юқори дара-

жаги ва энг замонавий жи-ҳозли технологияларга эга бўлган «Сведала» компани-яси бу ерда ишлаб чиқариш-ни салмоқли миқёсларга кўтариш ҳамда иш харажат-ларини камайтириш лойиҳа-лари борасида мазкур кор-хонага шериклик қилмоқда. Ол-

малик кон-металлур-гия комбинати яқин орада рангли металлар бо-зорига ўз мавқеини анча му-стаҳкамлаб олишига ишон-чим қомил.

Навоий кон-металлургия комбинати ҳам жаҳондаги йирик олтин ишлаб чиқарувчи корхоналардан ҳисоб-ланади. Бу корхона Мурун-тов захираларини ўзлаштир-моқда. Дунёда Мурунто-дан қолишмайдиган олтин конлари бор. Лекин улар гоятда тарқоқ. Бу ерда эса барча конлар бир жойда йи-тилган.

Бундан ташқари, «Сведала» дан Ўзбекистонга, шунингдек, йўл-қурилиш учун ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариши учун ҳам асбоб-ускуналар келтирил-моқда.

Жумладан, «Ўзавтойўл» концернининг бўлинмала-рида, мана, уч йилдан ош-дики, 30 га яқин «Динайо-ле-Сведала» русумли йўл-қотирувчи катоклардан фой-даланилмоқда. Бу вақт мо-байнида ҳали бюртмачилар томонидан машиналаримиз-нинг сифатига зор бирон-та ҳам шикоят эшитилмади.

Ҳозир «Ташилинвестет-рой» корпорацияси билан тузилган контрактга бино-ан, Чирчиқ дарёси бўйида қум тозалаш заводи барпо этилмоқда.

— Энди режалар тўғриси-да ҳам гапласангиз?

— «Сведала» фирмаси-нинг Тошкент ва Навоий шаҳарларидаги ваколатхона-си бўлажак «Сведала» уйи-нинг пойдевори бўлиб хиз-мат қилади, «Сведала» уйи эса келгусида нафақат Ўзе-бекистонга (гарчи бу мамла-

кат гоятда йирик салоҳи-ятларга эга бўлса-да), бал-ки қўшни республикалар-га ҳам хизмат кўрсатади.

Масалан, компания-нинг (тегирмон футеро-калари каби) айрим уску-наларидан ҳозирнинг ўзи-даёқ Қирғизистон ва То-жикистоннинг олтин иш-лаб чиқарувчи корхона-ларида фойдаланилмоқда. Бу қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш Ўзебеки-стон орқали бўлади.

— Жаноб Енсен, «Сведала» компанияси Ўзебеки-стонда қўлама корхоналар қурилиши режалаштирляпти-ми?

— Биз, компаниямиз бо-шқа мамлакатларда ўз мулкига эга бўлиши керак, деган гойдан келиб чиқиб иш юртамиз. Шу билан бирга, бизнинг келгуси-да бу қулулда тех-ник хизмат кўрсатиш шакли-даги қўлама кор-хоналар қуриш фикримиз ҳам йўқ эмас.

— Бизга маълумки, сиз Ўзбекистон билан анча чу-қур ва атрофлиқ таниш-гансиз. Шу боис, мамла-катимиз тўғрисидаги таас-суротларингиз ҳам бизни жуда қизиқтиради.

— Таассуротларим гоят қўнглидагиди. Мен анча олис сафарларда бўлдим. Аиниқса Тошкентдан Навоийга тез-тез бориб тури-шимга тўғри келди.

Энг маъсулиятли ва од-дий одамлар билан самий мулоқотларимни Ўзбекистондаги фаолият эвазига бир мукофотгай деб биламан.

Менга ва ҳамкасблар-имга ўзбекистонлик му-тахассислар билан ишлаш алоҳида бир мамнуният бағишлайди, улар ўз соҳа-ларининг етуқ мутахассис-лари, ўз ишлари учун чу-қур маъсулият ҳис этади-лар.

Этироф этаман, биз-шимолликлар ҳар бир ишни алоҳида бир эҳтиёт-корлик билан ва оз-оздан бошлаймиз, бошлаймиз ишимизнинг тўғрилигини ҳис қилиш ва келажакка тўғри йўналиш олиш учун шундай қиламиз. Ўзбеки-стонга мослашув тез сурь-атларда ўз беради. Биз ишончли шериклар топ-ганимизни, «Сведала» ком-панияси билан ҳамкорлик-ка қизиқишини бу ерда тез пайқадик. Шу сабабли ҳам қатъий ишонч билан ай-таманки, «Сведала» компани-яси Ўзбекистонга кўп йиллар мобайнида ишлаш учун ташриф буюрган.

Л. СПИРИДОНОВ, Л. ГАБИДУЛЛИНА.

ТАДБИРКОРЛИК

Мўмин ақанинг ёшлиқдан ўрганиб келган хунорлари нафақага чиққанида иш берди. 40 йилдан буюн турли вазифаларда ишлаб келган, одамлар орасида юрган отахон қаринлик гапши-ни сурйишга шошилмади.

Ўзи одатланган ҳаёт тар-зини тарқ этмади. Анчадан буюн кўнлига туғиб юрган уларнинг амалга оширишга киришиб кетди.

Ишни шаҳардаги ёки бир ҳовлини сотиб олишдан бош-лади. Уста эмес-ми, барча юмушларни ўзи бажариб, кўп ўтмай яқки қаватли иморат-ни ростлади. Бинонинг би-ринчи қаватида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш уста-хонаси, иккинчи қаватида ти-кувчилик пехи очиниш ният қилди. Шу мақсадда моҳир чевар ёрлаб, тикувчиликка ҳавас қўлган қиларини ўқига бошлади.

Бу ҳақда гапирини, ёшиш осон. Лекин уларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Аиниқса, ускуналар, эҳтиёт қисмлар, хомаш, хо-димларнинг оилик маошлари ва бошқа қатор масалалар у-стани анча довардират. Аммо «харақатда-баракат», деганла-ридай, Мўмин ака сира ти-мон билмади, янги иморат солаётган хонадонларга уста-чилик қилиб, бировларнинг томини ёлди,бошқасига ганч-дан уймақорлик нақшлари ясаб берди. Бу ишлардан та-пилган маблагларини янги та-шиқ этилаётган устахонаси учун, одамларнинг маошлар-и учун сарфлади...

Ташвишларнинг бари ортада қолди. Ҳозир «Уста Мўмин»

хусусий корхонаси ишчилари автомобилга таъмирловчи уста Хусеиндан Маҳмудов, пайвандчи Муҳаммаджон Музаффаров, Хурниса Эр-матова бошчилигидаги тикув-чи қиларининг қўли-қўлига тегмайди.

Аҳмаджон Муллажонов, Исроил Тула-ганов, Юсуф Мамадалимов, Йўлдошқул Холиқуллов, Собир Каю-мовларнинг иморатларини уста Мўмин ўз қўли билан бериб келди.

Мўмин ота ёшлиқидан иморат ишларини дастлабки босқичдан то охириг буюк ишларигача битиришни урганган, кейинги вақтларда ганч уймақорлигини ҳам ўзлаштириб олган эди. Энди эса хусусий корхонасида ана шу хунорларнинг ёшларга ўргатиш ҳарақатини бошла-ди.

«Уста Мўмин» хусусий корхонасида келгусида хизмат турларин янла қўйиб, буюр-юрмачилар сонин ортаб бо-риши, ишбаҳани. Чунки ти-ниб-тинчмас, дингилкларни қилариб топучини, тафратли Мўмин ота Мирсатов ҳамда шогирдлари ишдан Писекет ша-ҳри ва тумани аҳолиси ни-ҳоятда миннатдор бўлмоқда.

Томир ҲАЙДОРОВ, Моҳира АРСЛОНОВА, Тошкент вилояти.

Турсунхон болалигида ҳам тийраккина, зукко эди. Сурхондарё чегарачилари уни суёб тиниб-тинчимас қиз дейишарди. Тонгда мўжазгина ҳарбий «шифохона»га шошилиб кетаётган онаси Рузихон Рустамованинг ёнида пилдираб гоҳ ўзиб, гоҳ эргашиб чопқиллаб юрмаса, баҳорларда ёлғиз оёқ йўллар ёқасидаги қирларда очилган алвон гуллари узиб, шабададек елмаса, кутубхонада кўринмаса соғиниб, излаб қолишарди. Дарров дадаси — Юсуп акадан сўрашарди. Турсунхон кимсасиз чегара кенгликлариди — ҳали у ерда, ҳали бу ерда кўришиб, шўх, чаққон, кийикдек сакраб сокин табиатта жон, бийрон тили билан давраларга файз киритиб юрарди. Вақтини беҳуда ўтказмасди. Узига яраша иш топиб оларди. Ат-Термизий мақбараси орасида қабртошлардаги жимжимдор арабча ёзувларнинг унсиз овози тинглаётгандек, уларга тикилиб ўтиришни ёқтирарди. «Ахир илонлар бор», — деб безовталанган онасига, рангли сопол парчаларини кўрсатиб, қувончдан шаҳдо кўзлари ёниб, чучук тиллари билан сайраб кетарди.

— Мен кўгирчоқларимга шу гулли тошлардан уйча ясаб бераман. Илонларни ҳам олиб кетаман. Илонлар менга тегишмайди. Неча марта тилларини чиқаришиб, мен билан ҳазиллашган.

Бижилдоқ қизалоқнинг бу гапларидан онасининг ўтказиши ўйнаб, унинг ҳар бир қадами-ни кузатишга мажбур бўлар эди.

Йиллар галасини давр шамолли булутдек учириб ўтди. Турсунхон унчинчи синфини тамомлади. Озодаликни, орасталликни севган, оппоқ пахтадай бу қизни 1944 йилда Қўқон тиббиёт билим юртини битирди. Юсуп ака билан ёнма-ён юриб, ёнма-ён турган шифокор она касби-га мос кўришарди. Қиз тарих ёки қадимшуносликка қизиқини айтиди. Она тўнғич қизининг майлини қайтармади-ю, ота кўнмади.

— Даданинг юзларидан утолмадим, ушанда,— дейди Турсунхон Умарова узоқларга тикилиб, худди уша сониларни кўз олдига келтириётгандек. — Тошкент Давлат 1-тиббиёт институтига ўқишга кирдим.

Умри тез оқар дарё, дейдилар. Турсунхон 1969 йилда институтни имтиёбли шаҳодатнома билан тамомлаб, йўлда Охунбобов номидаги Тошкент республика тиббиёт билим юртига йўланма билан ишга келганига ҳам салкам ўттиз йил бўлибди. 1918 йилда Туркистонда биринчи ташкил этилган ушбу табаркур масканда оддий ходим бўлиб иш бошлаган қиз бутун унинг сардори.

Билим юртининг бой тарихи, унга асос солган аjoyиб фойдалари, шу ерда ўқиб чиққан биринчи миллий тиббиёт кадрлари, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишининг шакллантирилишидаги ўрни, бугуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил этган. Кам гапириб, кўпроқ амалий иш қилишга одатланган Турсунхон Умарова билим юртининг иши билан қизиққанларни аввал шу музейга бошлайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Юмра эшиттандан, бир қарра кўрган яхши, — деди у, кўкрак чўнтақлари, бағри

четлари оқ хошияли, тим қора ўзига ярашган камзулини этагидан тортиб, камарини туғрилаган зобитдек ўридан тураркан. — Хўп десангиз, бир айланасиз, ўз кўзингиз билан кўрсангиз, талабалар, ўқитувчилар билан гап-лашсангиз, кейин суҳбатни давом эттирасиз.

Қаршимизда уша-ўша тиниб-тинчимас, шиддаткор, ҳарбийларга хос аниқликни, интизомни алқаган Турсунхон турарди.

Синфлардан-синфларга, фан хоналаридан амалий машғулотлар хоналарига ўтиб борар, опанинг ҳамкаблари, юмуш билан келган ота-оналар, талабалар билан йўл-йўлақай қилаёт-

Отам маъқуллагандилар: — Шундай, шахсий хоҳишингга зид бўлса ҳам яхши йўлни танла, толмай, тоймай олға қара, олга юр, фақат олға бос. Илло, ёдингда тут: ҳаётда тайёр йўл йўқ, ҳаёт — бир қўриқ, ўзингга ўзинг йўл очасан, танлайсан, илгари кетасан, муродингга етасан.

— Гапинг очиги, — дейди Турсунхон опа, — ота-онанинг кулогимга қуйган оқилона ўғитлари, ҳаётдан олган дарсларим, кўзим билан кўриб, қўлим билан ушлаган қўниқмаларим ҳаммиса менга куч-қувват, тоқат беради. Амалийет яхши экан-ку, теранлик китобда экан.

ечимини топган, фойдаси теккан ишдан рағбатланиб, янги-янги имкониятлар яратиб, кишилар дардига малҳам бўлаётганидан яйрайди, кайфияти чоғ юради. Биласиз, қўл нарса кайфиятга боғлиқ. — У бироз ўйланиб олиб, давом этади.— Яна нима десам экан. Тугри, баъзан вақт ҳам етмай қолади, айрим ишларга. Илло, барибир улгураман, белгиланган ишни, озгина озор чекиб бўлса ҳам адо этмай тинчий олмайман. Юрган йўлимда ҳеч нарсага алаҳсимай, иш жараёнида, йиғинларда бекор ўтирмай, гарданимдаги топшириқларни вақтида, талаблар даражасида бажариш имкониятларини, ҳал этиш йўллари йўлаб, аниқ режа-тадбирлар белгилаб қўяман. Энг фойдалиси, тузган режамни иссиғида бажаришга интиламан. Албатта, ёлғиз отинг чанги чиқса ҳам донги чиқмаса, деган ҳикматга амал қиламан. Ҳаммага, фаолларга, ўз ишларининг усталарига, ҳалол кишиларга таянаман. Топширилган иш мутасаддиларига ишониб, эркин қўяман, улар билан ҳамкорликда, аҳилликда иш юритишга ҳаракат қиламан. Елкадошлик, камарбасталик ҳам ҳозирги бозор иқтисодии шароитида қуруқ гап билан бўлмайди. Уларга имкон қадар шарт-шароитларни яратиб беришга интиламан. Шунда улар ҳам ихлосу қўнг билан ишлашди, қўмаклашишди. Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент шаҳар, туман ҳокимликлари ёлғизлатиб қўйишмайди.

Тўрт қиз, беш набиранинг ардоқли онаси. Оила даврасида бўлишни, уй-рўзгор юмушлари билан шугулланишни жондан севади. Ширин таомлар тайёрлашда устаси паранг.

Меҳнатнинг тағи роҳат. Ҳалол пешона тери ҳазига орттирган обрўси ҳуқумат томонидан ҳам, оила аъзолари томонидан ҳам эъзолад.

Турсунхон Умарова ҳаётда томчида акс этган кўшедек, тақдирдан миннатдор ўзбек аёлларини кўраман. Ҳаётдан қўнги тўлмаган жойларини билан миҳлаб қўядилар.

Ассосий иш жойи — билим юртида ҳамшираларни, фармацевтларни ўқитиш ҳар жиҳатдан жаҳон андозлари даражасига кўтарилиган. Соҳа бўйича фаолияти Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги коллежисига тасдиқланган ўтган ҳозирча ягона билим маскани. Америка Қўшма Штатларида, Олмониядан, Япониядан, Бельгия, Дания каби ривожланган мамлакатлардан Ўзбекистонга таъриф бу-йўрган соҳа мутахассислари, амалиётчилар билим юртининг Турсунхон раҳбарлигида ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этилган янги дастурини, компьютер хоналарини, кўргазмали кўроллари, фан хоналарини кўриб тан бериб кетганлар. Республикада таянч ўқув юрти ҳисобланади.

Жамоат ишлари ҳам худди шундай тобида. — Инсон қизикқан, билган соҳасига сиқилди уринса чарчамайди, билъақ завқ олади, вақти беҳуда ўтмаётганидан қониқди, — дейди Турсунхон опанинг ўзи. — Илзанади,

«МУШТУМ» — ОИЛА ҲАҚИДА

Ҳа-ҳа, ҳажвий журналимиз «Муштум»нинг янги, 4-сон бошдан-оёқ ҳаммамиз учун қизиқарли, ҳар биримизнинг қалбимизга яқин ва эъзозли бўлган мавзу — Оила, унинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни, бири-биридан жиддий, долзарб масалаларига бағишланган. Ва, табиийки, «Муштум» ушбу мавзунинг талқинида бу гап ҳам фақат ўзига ва сўзига содиқ қолган.

Журналинг илк саҳифаларида берилган журналист Мурод Калонхоннинг Тошкент шаҳар прокурори Мэлвис Нанмов билан «Қонуни билган қўқилмайди» деган сарлавҳа остидаги суҳбати сизни одам боласининг қонун-қондага сиймайдиган антиқа қўқилмалари билан таништиради.

«Муштум»нинг оила масалаларига бағишлаб уюштирилган сўровига эса Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, Тошкент давлат юридик институту ректори Ҳалим Бобоев, болалар шифокори Тохир Иброҳимовлар уларнинг қизиқарли жавобларини берганлар.

Айниқса, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг «Уйданиш ва хотинлар тугрисида»ги ҳикматли фикрлари, севиқли шoirларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир Раҳматларнинг қувноқ ва ўйчан «муштумона» шеърлари, ёш ҳажвчи Илҳом Зоирнинг «Хо-

тин тили» ҳажвясия, журналининг махсус муҳбири Аҳмад Оқназаровнинг «Эркак нима қилади?», Ашуралли Жўраевнинг «Ҳикматтўй», зоминлик прокурор Ҳабибулло Турғуннинг «Товуқнинг ҳуни» каби мақолалари журналининг бу сонини алоҳида ўқимлиқли қилган.

Бундан ташқари, унинг саҳифаларидан ўрин олган буюк мутафаккирларнинг оила, ота-она, фарзанд, тарбия масалаларига доир ҳикматли иборалари, ҳажвий рассомлар Хусан Содиқов, Абдурашул Ҳакимов, Дмитрий Смоловичлар чизган кулгили расмлар, «Буйдоқшўно»-шоир Амир Боланинг таниқли шoirлар ижодига шеърли тақлидлари, Зоир Зиёнинг «совчилик» эълонлари ҳам ҳуфтон таълири алоҳида таъдил қилиди. Бошқотқирлар устаси Фозилжон Ориповнинг бу гап «Муштум» саҳифаларида сизга ҳада этган Ойлага бағишланган тошёнғоқ бошқотқир кизикарли жавобларини берганлар.

Ушласа, «Муштум»нинг янги Оила сонини шуурингизга маъно, қалбингизга ҳузур, чечрангизга табасум тортиқ этади. Шойилинг! Унинг 4-сонини ҳозирча кюсқаларда. Фағдатла юриб, армонда қолманг.

М. САФАРОВ.

1998 йил — Оила йили

ҚОЯДАГИ КИҲИЖ МИСОЛ

ган ширин муомаласини, мулоқотини кузатар, сўзларини эшиттар эканман, мамлакатимиз сарҳадида туғилган, оламни танибоқ беҳаловат, машаққатли ҳаётни кўрган, чегарачи отаси Юсуп Рустамовнинг, юрт осойишталиги, ободлиги йўлида шахсий манфаатлардан кенган онажони қалбини тўйган аjoyиб инсон кўз ўнгимда бўларди. Яхшироқ оила кўчқудратта тулган, умр сабоқларидан, билим ҳикматларидан, улуглар ибратини, устозлар ўғитидан баҳраманд бўлган, бурчга садоқатли фидокор аёл, камтар раҳбар, икки дунё саодатини кўзлаган муслима эканлиги Турсунхоннинг ҳар қадамида сезиларди.

— Тунғич фарзанднинг оиладаги ўрни, маъсулияти ҳақидаги отанинг насиҳатлари ҳамон менга тинчлик бермайди, ўйлатади. Институт остонасида ёнларига ўтқазиб айтган гапларини тез-тез эслаيمان. Ушанда, энди уйдан узоқроқда, кўздан нарироқда бўлишимни, кўпроқ мустақил юришимни, иш тутишимни ўқитардилар.

— Қизим, сен бизнинг илк севинчимиз, ҳам дўстимизсан. Сен укаларингнинг оиладаги зобитинсан. Сенга эргашинди. Бизга хоҳ турмушдан, хоҳ ўқишда, хоҳ одода бўлсин денинг ерданинг, ифтиқинг зарур. Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам унинг изидан боради. Опангизни кўрдингизми аёлчи, юриш-туришда намуна, меҳнатдан аълолиди, чарчамайди, сизнинг ҳам шундай бўлишингиз, ўрнак олишингиз, билиб-билиб ишингизни қилишингиз мудоомизилар, дейишга аризулик болмасан. Бир кун келиб қазоимиз етса, ота-она бўлиб қоладиган ҳам ўзингиз...

Ота-онам рози бўлинлар, десанг бундан буён ҳам фақат эзуг ишларга қўл урасан...

— Уяр, — деб лўкма ташлагандилар онам раҳматли. — Ота рози — Худо рози.

Ишқибозлигим китоб ўқиб.

Кенг қамровли фаолият — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги соғлиқни сақлаш тизими бўйича илмий-услубий секциянинг раиси, республика тиббиёт билим юртининг директорлари кенгашининг раиси. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамшира иши бўйича муаммолар ҳайъати раиси, Тошкент шаҳар кенгаши депутати, директорлик иши, яна қатор жамоат топшириқлари чарчаб қўймайдими, улгуромай қўйналмайсизми, деймиз. Ҳамма соҳадаги ишлар юзасидан тузилган ҳисоботлар — қозғоларда, ахборотларда аъло, юксалиш-ўсиш. Жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашаман. Ҳаммалари худди маслаҳатлашиб олгандек, оғзилардан бол томиб мактайдилар, сўзларини далиллар, воқеалар, янгиликлар билан миҳлаб қўядилар.

Ассосий иш жойи — билим юртида ҳамшираларни, фармацевтларни ўқитиш ҳар жиҳатдан жаҳон андозлари даражасига кўтарилиган. Соҳа бўйича фаолияти Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги коллежисига тасдиқланган ўтган ҳозирча ягона билим маскани. Америка Қўшма Штатларида, Олмониядан, Япониядан, Бельгия, Дания каби ривожланган мамлакатлардан Ўзбекистонга таъриф бу-йўрган соҳа мутахассислари, амалиётчилар билим юртининг Турсунхон раҳбарлигида ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этилган янги дастурини, компьютер хоналарини, кўргазмали кўроллари, фан хоналарини кўриб тан бериб кетганлар. Республикада таянч ўқув юрти ҳисобланади.

Жамоат ишлари ҳам худди шундай тобида. — Инсон қизикқан, билган соҳасига сиқилди уринса чарчамайди, билъақ завқ олади, вақти беҳуда ўтмаётганидан қониқди, — дейди Турсунхон опанинг ўзи. — Илзанади,

Эртага пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортида «Хавас-98» республика мусобақаси бошланади.

1996 йилнинг май ойида мамлакатимизда илк бор теннис бўйича турли тоифадаги раҳбарлар ўртасида «Хавас» кубоги мусобақаси ўтказилди. Шу-шу республикамизнинг барча ҳудудларида ушбу уйинга нисбатан қизиқиш авж олди: Вилоятлар, туманлар марказларида муҳташам кортлар қурила бошланди.

«Хавас - 98»

Спорт деса елка қисиб, қўлини силтайдиган баъзи бир раҳбарларни ҳисобга олганда тенниснинг мунаввар жозибаси бутун мамлакат бўйлаб эмин-эркин қанот қокди. Қисқа вақт мобайнида ҳалиги тепса тебранмас кишилар ҳам ҳаракатга тушди. Теннис ўзимизнинг миллий спорт турларимиз қаторидан мустақкам ўрин олди. «Хавас»кубогининг 1997 йилда ўтказилган иккинчи мусобақаси ўзининг қизиқарлилиги ҳамда нуфузи жиҳатидан дастлабки сизидан бутунлай фарқ қилди. Кортларда зўрларнинг-зўрлари, кучлиларнинг-кучлилари ўз маҳоратларини тўлиқ намойиш этдилар. Ҳокимлару вазирлар бир-бирига асло ён босишни хоҳламайдиган, тан беришни истамайдиган рақибларга айланиб кетишди.

«Хавас-97» теннис мусобақасининг финали. Кортда Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов билан Соғлиқни сақлаш вазирини Шавкат Каримов. Ёшлари бир-биридан фарқ қилгани билан маҳоратлар даяри тенг келди. Дастлабки 12

геймда голибни аниқлаб бўлмади. Бош соврин тақдирини тай-брейк натижасига қараб ҳал қилинди. Ниҳоятда қизиқарли ўтган ушбу мусобақада Соғлиқни сақлаш вазирини Шавкат Каримовнинг қўли баланд келди ва «Хавас-97» кубоги у кишига топширилди.

Мана орадан яна бир йил сувдек оқиб ўтиб кетди. Серёмғир баҳор, мафтункор май бошланди. Демак турли тоифадаги раҳбарлар, ҳокимлару вазирларни яна кортга чорлайдиган пайт яқин. 7-8 май кунлари пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортлари яна ўз ишқибозларини кутиб олади. Бу ерда «Хавас-98» кубоги мусобақаси ўтказилади. Мусобақанинг дастлабки саралаш гуруҳида 64 киши узаро куч синашади. Шулардан энг зўрлари кубок тақдирини хал қилади-ган ассосий курашлар поғонасига кўтарилади. Катнашчиларнинг 28 нафарини вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларидан иборат. Қолган 38 нафарини эса республика вазирлари, корпорация, концерн, ассоциация, компания ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларидан иборат.

Кўришиб турибдики, «Хавас-98» мусобақаси бу йил ўтган йиллардагидан ҳар томонлама кескин ва муросасиз бўлиши табиий. Негаки қатнашчиларнинг маҳорати янада юқорилашган, мусобақа нуфузи ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 6 майда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳавонинг бироз булутли бўлиши кутулади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 7-12, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Об-ҳаво

Қолган ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади. Пойтахт вилоятининг тоғли туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин, кечаси 2-7, кундузи 12-17 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарёда, Фарғона vodiysida-ги вилоятларда айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалди роқ бўлиши мумкин. Кечаси 7-12, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 9-11, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

(Ў.А)

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» акционерларининг 1998 йил 27 мартдаги умумий йиғилиши қарорига асосан банк акцияларининг номинал қиймати банк фойдаси ҳисобига 1500 сўмгача оширилди. Шу муносабат билан «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» аввалги номиналдаги акция сертификатларини янги номиналдаги акция сертификатларига алмаштиради.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» барча акционерларини акция сотиб олинган банк филиалларига 1998 йил 1 июлгача мурожаат қилишларини сўрайди. Алмаштириш тартиби билан банк филиалларида танишиш мумкин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хуку ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ ҳўжалиги 136-37-85;
Матбуа ва ахборот 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, тўризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибат 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 019, 35059 нуسخада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қозғ бичими А—2
Ҳафта ИВМ компьютерлари тарвида на оператор
Сергей ЛУКИН
томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қозғода зийд материал-
лар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топширилди: 22.55
Босишга таширилди: 22.55 1 2 3 4 5 6

«Манзиллимиз:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — Э. Болшев
Набатчи — Ш. Каримов
Мусаккаҳ — Ш. Матрабобоев

(Газетанинг навбатдаги сон 8 май — жума кунини чиқади).